



Тарихда яшаб ўтган энг нуфузли 100 кишининг энг афзали сифатида Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) ни танлашим баъзиларни хайратга солиши, бошқаларда эса турли саволлар уйғотиши мумкин. Аммо у зот тарихда ҳам дин, ҳам дунё ишларида ниҳоятда мувофаккиятли фаолият кўрсатган ягона кишидирлар. Худо Исломни гариб ҳолатдан у зот орқали юксалтирди ва у зот ниҳоятда буюк сиёсий етакчи бўлдилар. Ушбу китобда қайд этилган кўпчилик инсонлар ўз даврининг ривожланган, юқори даражада маданиятлашган ва ўз даврининг сиёсий марказлари бўлган ҳудудларда дунёга келганлар. Аммо Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) 570-йилда Арабистоннинг жанубида, Макка шаҳрида, ўша даврнинг ривожланмаган, санъат, маданият ва илмдан узок бўлган ҳудудида дунёга келдилар. Олти ёшларида етим бўлиб қолдилар ва ҳашаматдан йирок ҳолларида тарбияландилар. Ислом манбалари бизга у зотнинг таълим кўрмаганликларини айтади. У зотнинг молиявий жихатлари Хадижа (розияллоху анҳо)га уйланганларида яхшиланди. Қачонки у зот қирк ёшга етганларида у

зотнинг пайгамбар эканликлари хакида белги берилди. Бу даврда кўпчилик араблар кўплаб худоларга сизгинувчи бутпараст эдилар. Шунингдек ўша даврда Макка шахрида кам сонли яхудий ҳамда насронийлар яшар эдилар. У зот кирк ёшга етганларида ягона Аллох у зотга вахий юбораётганлиги ва у зот ҳақ динни ёйиш учун танланганликлари инсонларга маълум бўла бошлади.

Уч йил давомида Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) ҳақ динга факат якин қариндошлари ва дўстларини даъват қилдилар кейинчалик, тахминан 613-йилда даъватни ошқора қила бошладилар. Макка улуглари у зотнинг жонларига ҳавф сола бошлагач, 622-йили Маккадан тахминан 200 мил шимолда жойлашган, у зотни жуда ҳам яхши кутиб олишган Мадина шахрига сафар қилдилар. Бу сафар "Хижрат" деб аталди ва Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам)нинг ҳаётида катта аҳамият касб этди. Макка шахрида у зотга иймон келтирганлар озчиликни ташкил қилар эди, Мадина шахрида эса иймон келтирганлар кўпчилик эди. Ва тез орада у зот уларга бошчилик қила бошладилар. Келгуси бир неча йил ичида Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)га иймон келтирганлар сафи кескин ортиши билан бир қаторда Макка ва Мадина орасида жанглар ҳам бўлиб турди. Бу жанглар 630-йилда Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Макка шахрига фотих сифатида қиришлари билан бутунлай барҳам топди. Умрларининг қолган қисмида Араб қабилаларининг гуруҳ-гуруҳ бўлиб Исломни қабул қилётганларига гувоҳ бўлдилар. 632-йили Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) вафот этганларида бутун Жанубий Арабистон у зотга бўйин сунар эди. Араблар орасида Бадавийлар (сахролик араблар) мохир жангчилар сифатида ном қозонган эдилар, аммо уларнинг сони оз бўлиб шу билан бирга, улар ўзаро ички урушлардан азият чекишар эди. Ушбу ҳолларида қишлоқ хўжалиги анчайин ривожланган шимолдаги давлатларнинг йирик қўшинларига бас қелолмас эдилар. Аммо тарихда биринчи марта Аллохга бўлган иймонлари туфайли бирлашган бу кичик араб қўшинлари инсоният тарихида ҳали қўрилмаган мислсиз фатхларни амалга оширдилар. Ўша даврда Арабистоннинг шимолида форсларнинг Сосонийлар Империяси, шимолий-ғарбида маркази Константинопол бўлган Византия яъни Шарқий Рим Империяси жойлашган бўлиб, сон жихатдан олганда арабларнинг бу давлатларга бас қелиши мантикка тўғри қелмас эди. Аммо Худога бўлган иймонлари туфайли рухланган араблар жуда тез фурсатда Месопотамия, Сурия ва Фаластинни фатх этдилар. Форс қўшинлари 637-йилда Кодисия ва 642-йилда Нехавандда жанглар билан машғул бўлган вақтда 642-йилгача Миср Византия империясидан тортиб олинди. Бу буюк фатхлар Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг якин дўстлари Абу Бакр ва Умар ибн Хаттоб бошчилигида амалга оширилган бўлсада, бу ҳали араблар ривожининг интихоси эмас эди. 711-йилгача араб қўшинлари Шимолий Африкадан Атлантика океанигача бўлган деярли барча ерларни фатх этдилар, бу ерда улар шимолга бурилиб Гибралтар бўғозини босиб ўтдилар ва Испаниядаги Вестготлар қироллигини мағлуб этдилар. Қанчадир муддат Мусулмонлар бутун Христиан Ғарбини босиб оладигандек туюлди. Аммо 732-йилда Франция марказигача қириб борган Мусулмонлар машҳур Тур жангида франклар томонидан тўхтатиб қолинди. Шундай бўлсада, унча узок давом этмаган фатхлар асрида Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) сўзидан рухланган араблар

Хиндистондан Атлантика океанигача бўлган, хали бутун дунё гувоҳ бўлмаган улкан империяга асос солдилар. Шу билан бирга улар каерни фатх этган бўлсалар уларнинг фатхлари кўплаб инсонларнинг Ислом динини қабул қилишлари билан нихояланди. Ҳозирги кунда бу фахтларнинг ҳаммаси ҳам ўз кучида қолмаган. Форслар гарчи араблардан ўз мустақилликларини қўлга киритган бўлсаларда Ислом динига содиқ қолдилар. Испанияда 7 асрдан узоқ давом этган қурашлар христианларнинг бутун ярим оролни қайта эгаллашлари билан тугади. Бироқ қадимги цивилизациянинг икки бешиги бўлган, Африка шимолий қирғоғини тамомла эгаллаган Месопотамия ва Миср миллатлари эса араблигича қолди. Албатта бу билан Ислом динининг тарқалиши тўхтаб қолмади, қелгуси асрлар давомида у янги-янги ерлага етиб борди. Ҳозирги кунда Африка ва Марказий Осиёда ўн миллионлаб мусулмонлар бор, Покистон ва Хиндистоннинг шимолида ҳамда Индонезияда эса уларнинг сони бунданда кўпроқдир. Индонезияда иймон бирдамликнинг асосий омилидир. Аммо Хиндистонда мусулмонлар ва буддистлар орасида давом этаётган қураш бирлашишга асосий тўсиқдир. Шундай экан Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг инсоният тарихига таъсирини қандай баҳолаш мумкин? Бошқа динлар қаби Ислом ҳам унга эътиқод қилувчилар ҳаётига қатта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ушбу қитобада дунёнинг барча йирик динлари асосчилари алоҳида қайд этилган. Дунёда Насронийлар сони Мусулмонлардан тахминан икки баробар кўп экан, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг Ийсо (алайхиссалом)дан олдин қўйилиши албатта қалати қўриниши мумкин. Аммо бу ҳулосанинг икки асосий сабаби бор. Биринчидан, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) Исломнинг ривожини учун Ийсо (алайхиссалом) Насронийликнинг ривожланиши учун қилган ишлардан кўра кўпроқ ишларни амалга оширганлар. Шунга қарамай Ийсо (алайхиссалом) Насронийликнинг асосий маънавий ва ахлокий жиҳатларини (қайсидир маънода Яҳудийликдан фарқли равишда) белгилаб берганлар. Авлиё Пол Насронийлик назариясининг асосий ривлантирувчиси ва асосчиси бўлиб шунингдек, Янги Аҳднинг ҳам қаттагина қисмига муаллифлик қилган. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) эса Ислом ақидаси, унинг маънавий ва ахлокий жиҳатларини белгилаб берган ягона шахсдирлар. Шунингдек у зот Исломи аҳкомларни ва амалларни белгилаб берган ягона шахсдир. Ундан ташқари Исломнинг асосий манбаси ва Пайғамбарга вахийлар йиғундиси бўлган "Қуръон" ҳам у зот орқали етиб қелган. Вахийлар Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) даврларида ёзиб қўйилган бўлиб, у зот вафотларига хали кўп бўлмасдан ишонарли ҳолда қамлангандир. Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг сўзлари ва Қуръон бир қилдир, аммо Ийсо (алайхиссалом) таълимотлари бу (яъни ишонарли) ҳолда бизга етиб қелмаган. Ийсо (алайхиссалом) ва Авлиё Полнинг Насронийлик учун қилган ишларини қамласакда Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)нинг Ислом ёълида қилган ишларига тенглашолмайди. Диний жиҳатдан назар қолсак, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) ҳам Ийсо (алайхиссалом) қаби инсоният тарихида муҳим из қолдирган шахс эканликларини қўришимиз мумкин. Аммо у зот (соллаллоху алайхи васаллам) Ийсо (алайхиссалом)дан фарқли равишда ҳам дин, ҳам дунё ишларида ўз азҳобларига бошлиқ эдилар. Арабларни бу қадар фатхларга руҳлантирган нарсаси ҳам Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) қелтирган дин эди. Тарихдаги кўплаб тарихий воқеаларга назар қолдирган бўлсак, уларнинг одамларни олға бошлайдиган маълум бир бошлиқларсиз ҳам содир бўлиши муқаррар эканлигини қўришимиз мумкин. Мисол учун Симон Боливор ҳеч қачон у ерда яшамаган тақдирда ҳам

эхтимол Жанубий Америка Испаниядан ўз мустакиллигини тортиб олар эди. Аммо биз араблар хакида бундай деёлмаймиз. Чунки Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам)дан олдин ҳеч қачон бундай воқеа содир бўлмаган эди шунингдек, ушбу фатхларнинг у зотсиз содир бўлишига ишониш жуда кийин. Инсоният тарихидаги бу фатхлар билан қайсидир маънода тенглаша оладиган юришлар 13-асрда асосан Чингизхон таъсири билан рўй берган Мўғуллар истилосидир. Бу истилолар арабларникига қараганда кўпроқ ҳудудни қамраб олган бўлсада, ҳозирги кунда Мўғилистон чегаралари Чингизхондан аввалги давр чегараларига қайтиб борган

Бу арабларнинг фатхларидан бутунлай фарқ қилади. Ироқдан Марокашгача бўлган масофада фақат этикодлари билангина эмас балки, бир хил маданияти, тили ва тарихи билан боғланган бутун бир араб давлатлари занжири ястаниб ётибди.

Қуръоннинг Исломининг асосий манбаси эканлиги ва унинг араб тилида эканлиги эҳтимол бу тилни қелгуси 14 аср давомида турли тушунарсиз шеваларга бўлиниб кетишидан асрагандир. Ушбу араб давлатлари орасида турли фарқлар ҳам бор албатта ва улар қатта аммо, бу қисман ноахлитлик бизни бирдамликнинг асосий жиҳатларини қўришдан тўсиб қўймаслиги керак. Масалан, Индонезия ҳам, Ироқ ҳам нефт ишлаб чиқарувчи давлатлардир, уларнинг ҳар иккиси ҳам Ислом динида ва улар 1973-74-йилларнинг нефт қазиб олишни қечлаш лойиҳасига аъзодир.

Биз қўриб турибмизки 7-асрда содир бўлган араб фатхлари узок ўтмишдан бугунги кунимизгача муҳим аҳамият қасб этмқда. Ва мен ўйлайманки, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллами)нинг ҳам дин, ҳам дунё ишларидаги мувофаккиятли фаолиятлари у зотга ҳақли равишда инсоният тарихидаги энг муқаммал инсон мақомини беради.

Абу Муслим тайёрлади